Самодова С.С

ISSN 2181-9831

# WORLD SOCIAL SCIENCE

Scientific - practical journal



Ijtimoiy-gumanitar fanlar yo'nalishi

Направление социально-гуманитарных наук

Social-humanitarian sciences

2
2019

CONTENT


| PEDAGOGICAL SCIENCES | |
|---|---|
| **Абдурахмонов Х., Тошкузиева С.** Бўлғуси касб таълими ўқитувчиларида касбий мотивларни шакллантириш. ........ | 3 |
| **Atabayeva N.** CHet tillarni o`rgatish samaradorligini oshirish usullari……… | 5 |
| **Бозорова Н.Э** Применение «case study» на примере «тип плоские черви»……… | 6 |
| **Йўлдашева Г.** Информатика ўқитувчисининг инновацион педагогик фаолиятини назарий методик асослари. ........ | 8 |
| **Кабирова Х., Абдурахмонов Х.** Бола шахсининг ривожланишидаги таълим-тарбияда оиланинг ижтимоий педагогик-психологик томонлари........ | 10 |
| **Мирзақулов А., Йўлдашева Г.** Физикадан виртуал намойиш қилинадиган тажрибаларнинг дидактик асослари……… | 11 |
| **Норова Ф.Ф.** Новые образовательные оценочной направление……… | 13 |
| **Норова Ф.Ф.** Информационно-коммуникационные технологии (икт) в предметном обучении……… | 14 |
| **Сарсенбаева Р.** Касб-ҳунарга йўналтирилган кўрик мусобақани ўтказиш методикаси ва баҳолаш мезонлари. ........ | 15 |
| **Самадова С.** Олий таълим тизимида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишнинг ҳуқуқий асослари. ........ | 21 |
| **Temirov A., Sohobiddinov A.** Mamlaktimiz ta'lim tizimida axborot kommunikatsiya va innovatsiyon texnologiyalardan foydalangan holda bilim olish……… | 23 |
| **Tulakova Z.** The structural structure of the process of teaching mathematics in continuing education……… | 24 |
| **Қосимова Ў., Туранова Ш.** Педогогик техалогияларни қўллаш орқали таълим самарадорлигини ошириш……… | 25 |
| **Шокирова Г. Каримов Д.** Таълим-тарбия жараёнида индивидуал хусусиятларнинг ахамияти……… | 27 |
| **PHILOSOPHICAL SCIENCES** | |
| **Акмалхонов А.** Абу Яъқуб Саккокийнинг тасриф ҳақида таърифи……… | 29 |
| **Бафоева С.У.** Глобаллашув даврида "оммавий маданият" таъсири ва уни бартараф этиш йўллари……… | 32 |
| **Nuraliyeva D., Oripov I.** Oila mustaxkamligi va sog'lom turmush tarzini barqarorlashtirish | 34 |
| **Обломуродова Х.** Замонавий миссионерлик: услуб ва воситалар........ | 36 |
| **Xaqulova G .SH.** The matters of speech culture in Alisher Navoi's works……… | 40 |
| **Turdiev B.S. Shodiev B.I.** Conducting strategy of interethnic harmony in Uzbekistan Осуществление стратегии меж этнической гармонии в Узбекистане……… | 42 |
| **HISTORICAL SCIENCES** | |
| **Жўраева Н.О. Раҳмонова С.** Муқаддас зиёратгоҳлар бухоро шаҳри топографиясининг таркиби сифатида……… | 44 |
| **Рўзиқулова М.** Фарғона водийсида ирригация-мелиорация ишлари тарихидан (XX асрнинг 50-70-йиллари мисолида)........ | 46 |
| **Хомиджонова М.** Выводы некоторых историков по решению проблемы датировки «эры Канишки». ........ | 50 |
| **ECONOMICAL AND JURIDICAL SCIENCES** | |
| **Бозоров Б.** Ўзбекистонда банк хизматлари маркетингини такомиллаштириш..... 52 | |
| **Rahmonova S.SH.** O'zbekistonda ijtimoiy sheriklikning samarali jihatlari……… | 56 |
| **Усмонов Б.** Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини такомиллаштиришда инвестицион кредитлардан самарали фойдаланиш........ | 57 |
| **Хайитов И.** Тижорат банкларида янги молиявий хизматлар жорий этиш истиқболлари | 62 |

**Аннотация:**В данной статье изложены методология и критерии оценки конкурса профессионального обучения в образовательных учреждениях

**Annotation:** This article outlines the methodology and evaluation criteria for the professional training contest in educational institutions

**Keywords:** Pupils, education, educational institutions, occupations, events, educational and training events, competitions, methodology, evaluation criteria

**Ключевые слова:** Ученики, образование, учебные заведения, занятия, мероприятия, учебно-тренировочные мероприятия, конкурсы, методика, критерии оценки

# ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

**Сарвиноз Самадова, ўқитувчи**
**Бухоро Давлат Университети**

***Аннотация:*** *Ушбу мақолада олий таълим тизимида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишнинг ҳуқуқий асослари, шу соҳада қабул қилинган қонунлар ва қарорлар ҳақида фикр юритилган.*

***Калит сўзлар:*** *Олий таълим, Маънавият ва маърифат маркази, маънавий-маърифий ишлар, қонун, қарор,ҳуқуқий асослар, китобхонлик.*

Мамлакатимизда жамият ҳаётининг маънавий-маърифий асосларини мустаҳкамлаш, миллий ғоямизнинг асосий тушунча ва тамойилларини ҳаётга жорий этиш, юртдошларимиз, айниқса, ёш авлод қалбида Ватанимиз тақдири ва келажаги учун дахлдорлик ва масъулият ҳиссини ошириш, ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни кучайтиришга йўналтирилган тарғибот тизими шаклланган. Бу жараёнда Республика Маънавият тарғибот маркази, унинг жойлардаги тузилмалари ҳамда Олий таълим муассасаларининг маънавият ва марифат бўлимлари томонидан муайян ишлар амалга оширилаётганини қайд этиш лозим.

Бугунги кунда дунёда глобаллашув жараёнлари кучайиб, тинчлик ва баркарорликка қарши янги таҳдид ва хатарлар тобора кучайиб бормоқда. Бундай мураккаб ва таҳликали вазиятда оила, маҳалла ва таълим муассасаларида ёшлар тарбияси, ёшлар билан мақсадли ғоявий-тарбиявий ишларни амалга оширилиши, жиноятчилик, диний экстремизм ва террористик ҳаракатларга адашиб қўшилиб қолиш, миллий қадриятларга эътиборсизлик, эрта турмуш қуриш, оилавий ажралишлар каби салбий холатларнинг олдини олишга қаратилган тарғибот ишлари самарадорлигини ошириш жиддий эътиборни талаб этмоқда.

Мамлакатимизда қабул қилинган 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам энг аввало, давлат бошқарув органларининг қуйи бўғинлари фаолиятини тубдан яхшилаш, уларнинг халқ билан мулоқот қилишини таъминлаш, бу борада самарали ижтимоий ҳамкорлик механизмини мустаҳкамлаш устувор вазифа сифатида белгилаб қўйилган. Ана шу мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда, маънавий-маърифий тарғибот ишларини янада яхшилаш, уларнинг кўлами ва микёсини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июльда қабул қилинган "Маънавий маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида"ги қарорига асосан Республика Маънавият ва маърифат маркази ташкил қилинди.

Дунёда юз бераётган мураккаб геосиёсий ва ғоявий-мафкуравий жараёнларнинг мазмун-моҳиятини ҳар томонлама чуқур ёритиб бориш, терроризм, диний экстремизм, ақидапарастлик, сепаратизм, одам савдоси, «оммавий маданият», наркобизнес ва бошқа таҳдидларга қарши самарали ғоявий кураш олиб бориш, миллий ғояни юртимизда яшаётган барча миллат ва элатлар, ижтимоий тоифа вакиллари ўртасида кенг тарғиб этиш, бунёдкорлик руҳини ялпи ижтимоий ҳаракатга айлантириш, эртанги кунга ишонч туйғуларини кучайтириш, маънавий-маърифий тарғибот ишлари самарадорлигининг илмий асосланган мониторингини таъминлашга қаратилган социологик тадқиқотлар ўтказишни мунтазам йўлга қўйиш, ёшларда соғлом дунёқараш, жумладан, китобхонлик кўникмасини шакллантириш, Интернет, ахборот-коммуникация технологияларидан оқилона фойдаланиш маданиятини ошириш, уларда ғоявий ва ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетни кучайтириш, халқимизнинг тарихий мероси, урф-одатлари ва миллий тарбия анъаналарини асраб-авайлаш, кенг аҳоли қатламлари, айниқса, ёшларимиз ўртасида динлараро бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва жорий этиш марказнинг асосий вазифаси қилиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелда қабул қилинган "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида"ги Қарорида ҳам олий таълимнинг маънавий-ахлоқий мазмунини кучайтириш, талаба-ёшларнинг қалби ва онгига миллий истиқлол ғоясини,

халкимизнинг юксак маънавияти ва инсонпарварлик анъаналарига садокат туйғусини чукур сингдириш, биз учун мутлако ёт ва бегона бўлган ғояларга нисбатан уларда мустаҳкам иммунитет ва танкидий муносабатни шакллантириш кераклигига катта эътибор берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича "Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони ва "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида"ги Карорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда талаба ва ўкувчиларнинг маънавий маърифий, маданий савиясини мунтазам ошириб бориш, уларнинг ўкишдан бўш вактини мазмунли ўтказишини таминлаш максадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 17 сентябрьда " Таълим тизимида маънавий маърифий ишлар самарадорлигини ошириш чора тадбирлари тўғрисида"ги Карори кабул килинди.

Унга кўра талабаларни юртимиз ҳамда дунёда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий, маданий, хусусан, ёшлар ҳаётига оид вокеалар, янгиликлар ва кизикарли маълумотлардан тезкор хабардор килиб, уларнинг вактини мазмунли ўтказишга мўлжалланган виртуал ахборот маконини яратиш ва доимий фаолият олиб боришини таъминлаш, талабаларда китобхонлик ҳамда мутолаа маданиятини шакллантириш оркали уларнинг маънавий дунёсини юксалтиришга каратилган ишларни ташкил этиб бориш, ижтимоий тармоклар фойдаланувчилари бўлган талаба ёшлар ўртасида уларни ватанпарварлик ва фидойилик руҳида тарбиялашга каратилган ижтимоий акциялар, тадбир ва танловлар ташкил этиш, олий ва ўрта махсус таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар, таълим билан боғлик долзарб муаммолар ва уларнинг ечимини таҳлил килиш ҳамда ёритиб бориш максадида пресс-клуб ташкил этиш ва унинг доимий фаолиятини таъминлаш, ёшларнинг бепул маданий дам олишларига каратилган тадбирлар ташкил этиш, театр томошалари намойиш этиб борилишини таъминлаш, уларга ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш хизматини ташкил этиш, талабалар туризмини ривожлантириш, ёш авлодни мамлакатимизнинг тарихий жойларига ва буюк аждодларимизнинг мукаддас зиёратгоҳларига доимий ташрифларини уюштириш, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ўтказиладиган «Ахборот ва мураббийлик соатлари»ни методик таъминлаш ҳамда турли мавзуларда мультимедиа маҳсулотларини яратиш ва таркатиб бориш, профессор-ўкитувчилар, талаба ва ўкувчилар ўртасида ҳукукбузарлик ва коррупциянинг олдини олишга каратилган маънавий-маърифий тарғибот ишларини мунтазам йўлга кўйиш, олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим тизимида оммавий, маданий-маърифий ва спорт-соғломлаштириш тадбирлари ва турли мусобакаларни ўтказиб бориш асосий вазифалар сифатида белгиланган.

Карорда белгиланганидек талабаларда китобхонлик ҳамда мутолаа маданиятини шакллантириш оркали уларнинг маънавий дунёсини юксалтиришга каратилган ишларни ташкил этишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги "Китоб махсулотларини чоп этиш ва таркатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот килиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармойиши айни вактида кабул килинган зарурий ҳужжат бўлдики, унда белгиланган вазифаларнинг бажарилиши жамиятимиз маънавий-маърифий ҳаётида туб бурилиш ясайди, ёшларни китобхонлик маданиятини ривожлантиради дейишимизга тўла асос бўла олади. Фармойишда, авваламбор, бадиий, маърифий, илмий-оммабоп, тарбиявий, ёшларнинг интеллектуал салохиятини оширишга каратилган адабиётларни чоп этиш, улар билан таълим муассасаларини таъминлаш, миллий ва жаҳон адабиёти намояндаларининг етук асарларини саралаш, таржима килиш ишлари пухта ўйланган тизим асосида ташкил этилмаганига жиддий эътибор каратилгани ниҳоятда муҳимдир.

Мамлакатимизда "Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор" шиори остида ҳар йили республика "Китоб байрами" тадбирларини ўтказиш яхши анъанага айланган. Айтиш жоизки, ушбу маънавий-маърифий тадбир давлатимиз томонидан адабиётни ривожлантиришга каратилаётган эътибор ва эришилаётган натижаларни кенг жамоатчиликка етказиш, халкимиз, жумладан, ёшларнинг китобхонлик маданиятини юксалтириш, ижодкорлар ва китобхонлар ўртасидаги мулокотни яхшилаш, китобга бўлган эхтиёжини тўлик коплашда ўз самараларини бермокда.

Бугунги кунда талаба ёшларда Ватан равнаки, юрт тинчлиги, халк фаровонлиги, комил инсон тарбияси, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби миллий ғоямизнинг асосий йўналишларини шакллантириш олий ўкув юртидаги маънавий –маърифий ишлар мазмунидан чукур ўрин олган. Чунки, озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш – Ўзбекистон халкининг миллий тараккиёт йўлидаги бош ғояси эканлигини ҳар бир талаба чукур ҳис этиши ва уни ўз онгига сингдириши зарур.

ISSN 2181-9831

# WORLD SOCIAL SCIENCE

**Scientific – practical journal**

Scientific-practical journal of "Science of world"
Partner:
"Ferghana branch of Tashkent University of Information Technology"

2019 №2(8)

Social-humanitarian sciences

Направление социально-гуманитарных наук

Ijtimoiy-gumanitar fanlar yo'nalishi

Head editor:
F.N.Farxodjonova

Members of the editorial:
M.Ismoilov- prof. (NamECI)
I.Ergashev- prof. (NUUz)
I.Bekmirzayev – prof.(IIA)
F.Abduraxmonov - prof. (TTI)
Y.Apaqov- DSc(NamECI)
M.Mamatov - DSc (FSU)
D.Normatova - ass.prof. (FSU)
Z.Abduraxmonova - ass.prof. (NUUz)
L.Muxammadjonova - ass.prof. (NUUz)
T.Chariyev - ass.prof. (SCUz)
A. Normirzayev - ass.prof. (NamECI)
I.Soliyev - ass.prof. (NamECI)
A.Soxadaliyev - ass.prof. (NamECI)
M.Teshaboyev - PhD (FBTUIT)
D.Nuraliyeva - (FSU)
N.Atabayeva – (TACI)
E.Jumaniyozova – (TACI)
F.Tursunova - (TIF)
M.Abduhamidov – (NUUz)
Y.Babajanova – (TACI)

Responsible editor: U.Karimov

*Remember: Author responsible to the right articles.*

© OOO "Science of world", 2019

ISSN 2181-9831

# WORLD SOCIAL SCIENCE
Scientific – practical journal

Scientific-practical journal of "Science of world"
Partner:
"Ferghana branch of Tashkent University of Information Technology"

2019 №2(8)

Social-humanitarian sciences

Направление социально-гуманитарных наук

Ijtimoiy-gumanitar fanlar yo'nalishi

Head editor:
F.N.Farxodjonova

Members of the editorial:
M.Ismoilov- prof. (NamECI)
I.Ergashev- prof. (NUUz)
I.Bekmirzayev – prof.(IIA)
F.Abduraxmonov - prof. (TTI)
Y.Apaqov- DSc(NamECI)
M.Mamatov - DSc (FSU)
D.Normatova - ass.prof. (FSU)
Z.Abduraxmonova - ass.prof. (NUUz)
L.Muxammadjonova - ass.prof. (NUUz)
T.Chariyev - ass.prof. (SCUz)
A. Normirzayev - ass.prof. (NamECI)
I.Soliyev - ass.prof. (NamECI)
A.Soxadaliyev - ass.prof. (NamECI)
M.Teshaboyev - PhD (FBTUIT)
D.Nuraliyeva - (FSU)
N.Atabayeva – (TACI)
E.Jumaniyozova – (TACI)
F.Tursunova - (TIF)
M.Abduhamidov – (NUUz)
Y.Babajanova – (TACI)

Responsible editor: U.Karimov

*Remember: Author responsible to the right articles.*

© OOO "Science of world", 2019